

## Қўтаринки кайфият янги ғоя, янги ният билан

Қишки таътилдан қайтиб келган талабаларимизнинг ўқув жараёнларини қўтаринки кайфият ва янги фикр, янги ғоя билан давом эттиришлари айни муддао. Шунинг учун ҳам Касаба уюшмаси қўмитаси ташаббуси билан талабалар турар жойларида дастурхонлар безатилиб байрамона таом тайёрланиб тарқатилди.

Шу қаторда Тошкент давлат аграр университетининг талабалар турар жойларида истиқомат қилиб келаётган “Қишлоқ хўжалигини механизациялаш” ҳамда “Қишлоқ ва сув хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш” факультетлари талабалари учун ҳам ТошДАУ 7 – талабалар турар жойида ҳам ана шу мақсад амалга оширилди.

Таом тайёрлаш жараёнида ошпазларга ош тайёрлашда талаба – ёшларимиз beminnat қўмаклашишди.

Талаба – ёшларимиз ўзларининг шеърий мусобақалари ҳамда куй – қўшиқлар ва ўйин – кулгулари билан бу тадбирга чинакамига байрамона шукуҳ баҳш этишди.



**ҚҲМ факультети Маънавий – маърифий ишлар бўйича декан ўринбосари Икромбек Рахимов ахбороти**

**Институт матбуот котиби: Раҳимбой Жуманиёзов**